2001 ЙИЛ 1 март, ПАЙШАНБА

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 25 (6.238). Сотувда эркин нархда

## БУГУНГИ СОНДА:

**ФЕРМЕР НЕГА САРСОН БЎЛДИ?**

*Хуллас, "Сут булоғи" фермер хўжалиги хусусидаги можаро, бу ишга туман ҳокимлигининг муносабати, М. Абдураҳмоновнинг салкам бир ярим йилдан буёнги сарсонгарчилиги шулардан иборат. Хулоса чиқариш, эса Сиздан.*

(1-3-саҳифаларда)



**"ПАХТАКОР"ДА НИМА ГАП?**

*Режаларимизнинг энг асосийси - бу йил Ўзбекистон кубогини қўлга киритиш ҳамда чемпион бўлиш. Бунинг учун жамоада барча шарт-шароитлар етарли.*

(4-саҳифада)

**БУХОРОНИНГ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИ**

*Бухорога келган кунимизнинг эртасига бизни "Алмаз" фирмаси фаолияти билан таништиришди. Тадбиркор Дилором Файзиева бошлаган ишни кўриб ҳавасимиз келди. У шаҳар марказида шахсий меҳмонхона қураяпти.*

(1-2-саҳифаларда)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, билимли, ижодкор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг истиқлол ғояларини амалиётга татбиқ этишдаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:**

1. Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига биноан, аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (тақдирланганлар рўйхати илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 Март - халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган тантанада совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов) ҳамда ЎзАга (М.Муҳаммад Дўст) Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 февраль

***Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 февралдаги 100-қарорига илова***

### Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар

### РЎЙХАТИ

| | |
|---|---|
| **МАМУТОВА Диана Сабитовна** | - Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 83-мактабнинг 7-синф ўқувчиси |
| **ҚЎЧҚОРОВА Ҳилола Норқўзиевна** | - Андижон Давлат университети ботаника ва экология кафедраси ўқитувчиси |
| **РАҲМОНОВА Навбаҳор Халиловна** | - Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси |
| **РАЖАБОВА Дилфуза Шавкатовна** | - Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли ўқувчилар лицейининг 11-синф ўқувчиси |
| **ХОЛМАХМАТОВА Шахноза Бахтиёр қизи** | - Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Алишер Навоий номидаги 102-ихтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси |
| **ИСАНОВА Зебинисо Холмурадовна** | - Навоий Давлат кончилик институти қошидаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси |
| **МИРЗАКПАРОВА Холида Тўрамирзаевна** | - Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси |
| **АСҚАРОВА Гулжамол Шодмоновна** | - Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Ҳилол» газетасининг ходими |
| **ЗОЙИТОВА Шаҳло Набиевна** | - Сирдарё вилояти Меҳнатобод тумани халқ таълими бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси, 1-мактаб ўқитувчиси |
| **ХОЛМУРОДОВА Зебунисо Баходиржоновна** | - Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси |
| **ТУРҒУНБОЕВА Гулноза Тоштемировна** | - Тошкент вилояти Паркент туманидаги 12- мактабнинг 11-синф ўқувчиси |
| **ТЕШАБОЕВА Муҳайё Жўрабоевна** | - Фарғона вилояти Риштон туманидаги 27- мактабнинг 9-синф ўқувчиси |
| **РЎЗМЕТОВА Малоҳат Эркинбоевна** | - Хоразм вилояти Боғот тумани Бобур номли 1- мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси |
| **ТЎХЛИЕВА Наргиза Бокижоновна** | - Тошкент шаҳар Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси |

## АССАЛОМ, БАҲОР!





***Баҳор келди, баҳор!***

***Биз бу баҳорни соғиниб, орзиқиб, талпиниб кутдик.***

***Бугун - янги XXI асрнинг, янги минг йиллик баҳорининг биринчи куни.***

***Бу баҳор таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон баҳори!***

***Бу йил жонажон, онажон Ўзбекистонимиз, осмондек бағри кенг, тоғлардек виқорли марду майдон халқимиз ўз эрки, озодлиги, шаъни-шарафи қўлга киритилган куннинг ўн йиллигини катта тантана билан нишонлайди. Шунинг учун ҳам ушбу кўклам бизнинг баҳор! Ўзбекнинг, ўзбекистонликларнинг баҳори! Зеро, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.***

Офтоб ҳам бу тонг тоғлар ортидан лоладек яшнаб, ловуллаб кўринди. У қалби пок, мард, танти, меҳнаткаш халқимиз дийдорини кўриб, гулгун яшнаб кетди гўё. Чарақлаб нур-зиё, қут-барака улаша бошлади далаларимизга, саховатли кишиларимизга.

**НИГОҲ**

Асли, ҳақиқий баҳор ўзбек юртидан, унинг улуғвор заминидан, пурвиқор тоғларидан, адоқсиз боғларидан, бепоён қир-адирлари-ю, ҳар қаричи ноз-неъматга кон сахий-саховатли далаларидан бошланиши табиат инъом этган буюк саодатдир.

Яратганга минг қатла шукрки, баҳор биздан бошланади! Ер қадрини, эл-юрт дастурхони бойлигини ўйлаган деҳқонларимиз кетмонини елкасига қўйиб далага чиқди, бепоён кенгликларда "темир тулпор"ларини яна ишга солди. Унинг бу йилги баҳордаги, бу йилдаги эзгу ниятлари ўзгача. Қадам олиши ҳам, шаҳду шиддати ҳам ўзгача.

Ахир, айтганимиздек, бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйи.

Тўйга эса тўёна билан борадилар.

Ортда қолган ўн йил қишлоқ кишилари тақдирида жаҳоншумул ўзгаришлар ясади. Энг муҳими, деҳқон қарамлик давридаги боқимандалик иллатидан халос бўлди. Ўз ерининг, ўз даласининг, ўз меҳнатининг ҳақиқий соҳибига айланди. Қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланди, ҳар бир туманда, вилоятда юзлаб, минглаб деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топди. Бугун ҳар бир эгаси бор даланинг деҳқони қанчалик яхши меҳнат қилса, шунчалик яхши яшашини, ҳаёти, турмуши шунчалик гўзал, фаровон бўлишини, ўз меҳнати билан юрт обод, кўнгиллар шод бўлишини юрак-юракдан ҳис қилади. Билганда ҳам яхши билади!

Худди шунинг учун ҳам тоза қалб, пок ният билан улуғ тўйга - энг улуғ, энг азиз байрамимизга арзигулик тўёна тайёрлаш иштиёқида даласига отланади.

Эрта-индин боболаримиз орзуларини рўёбга чиқарган, мустақиллик туфайли ўз қадрини топган Қурбон Ҳайити байрамини ва сўнг тирикликнинг муқаддимаси ва асоси, авлодлар давомийлигининг ҳамда ҳаёт абадийлигининг кафолати, муҳаббат ва садоқатнинг, оила барқарорлигининг мустаҳкам таянчи бўлган Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз.

Мамлакатимизда истиқлол туфайли инсон қадр-қиммати ҳар қачонгидан кўра улуғланаётганлиги, нечоғлик юксак ўринга қўйилаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Кейинги қатор йилларнинг Инсон манфаатлари, Оила, Соғлом авлод йиллари деб эълон қилинганлиги ва бу борада мукаммал дастурлар ишлаб чиқилиб, кенг кўламли тадбирлар амалга оширилгани ҳар биримизга яхши маълум. Янги асрнинг дастлабки йили эса юртимизда Оналар ва болалар йили, деб эълон қилиниши ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми, азиз инсон – она ва унинг жондан азиз фарзандига меҳр-оқибат, ғамхўрлик ва эътиборни янада кучайтиришдир. Бу эса келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг баркамол авлоди ҳақида мустақил давлатимизнинг чексиз ғамхўрлигидир.

Вазирлар Маҳкамасида 2000 йил якунлари ва жорий йилнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ёки истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоғи лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, ўз юрти, ўз миллати, шу дала-тоғлар ҳаққи, шу мўътабар замин ҳаққи, мен шу Ватан фарзандиман, деган ҳар бир фуқаро бугун фидойи бўлиб фаолият кўрсатмоғи шарт. Кимдаки ўзлигини англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор бор экан, у албатта юрт ободлиги, эл фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, фидойи бўлиб, эзгу ишларда фаол иштирок этади.

Шундайлар бор экан иншооллоҳ, Ўзбекистонда 2001 йил баракали ва саховатли бўлиши табиийдир. Пахта, ғалла ва бошқа экинлардан, албатта, мўл ҳосил бунёд бўлғусидир. Ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ассалом, баҳор!

Юртимизга хуш келдинг! Далаларимизга, боғ-роғларимизга марҳабо!

Буюк Истиқлолимизнинг ўнинчи баҳори ҳамма-ҳаммамизга муборак бўлсин, азиз дўстлар!

**СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

***Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам халқимиз турмуш тарзини савдо-сотиқсиз, бозорсиз тасаввур қила олмаган. Мамлакатимизда тижорат азалдан тараққий этиб келган. "Савдода барака бор", "Ҳизр бобо супрасини бозорда қоққан".***

## АГАР ТИЛДАН БОЛ ТОМСА...

Бу нақллар бежиз айтилмаган. Тижоратнинг ривожланиб бориши жараёнида ўзига хос муомала ва муносабат тарзи шаклланган.

Бироқ, бугунга келиб сотувчи ва харидор ўртасидаги муомала маданияти хиралашиб бораётгандек, назаримизда. Тўғри, нимадир харид қилиш мақсадида баъзи сотувчилар билан савдолашиб қолсангиз, уларнинг хушмуомалалиги, ширинсўзлигидан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Аммо, баъзи буюм бозорларида кишиларнинг ташқи кўриниши, юриш-туришига қараб баҳо берадиган, ахлоқий меъёрларни тушунмайдиган "бойвачча"лар ҳам йўқ эмас. Улар билан савдолашаётганингизда молнинг нархини сал-пал пастроқ айтиб қўйсангиз борми, тамом, айтган гапингиздан пушаймон бўласиз.

"Ўз нархи қанчалигини биласизми?", "Шу нархда сиз олиб келинг, мен оламан", "Қўйинг, олмасангиз, сўраб нима қиласиз?", "Сизнинг бунга пулингиз етмайди". Хуллас, шунга ўхшаш гаплар билан кўнглингизни чўктиради, табингизни хира қилади.

Баъзан, кўпни кўрган отахонлар айтиб қолишади: "Бозорнинг ўзига яраша тош-тарозиси бор. Мол – сеники. Минг танга нарх қўйишга ҳам ҳақлисан. Пул – харидорники. Бир танга деса ҳам ҳаққи бор". Ҳа, харидор ва сотувчи қўйган нархлар орасида қанчалик тафовут бўлмасин, ҳалол савдо ҳар икки томоннинг розилиги билан амалга оширилади. Фақат, эндигина чўнтаги пул кўриб, салгина ҳаволаниб қолган айрим тадбиркорлар бозордаги ана шу кўҳна ҳақиқатни англаб етмайдилар. Харидор, ким бўлишидан қатъий назар бозорга нимадир харид қилиш илинжида боради. У қидирган нарсасини сиздан бўлмаса, бошқа бировдан сотиб олади. Савдо-сотиқ-ку, ўз йўлига, бир неча дақиқалик сўзлашув давомида ширинсўзлик билан муомала қилиш ҳар икки тарафга ҳам хуш кайфият бахш этса, кошки. Харидор қўйган баҳо сизни қониқтирмаса, унга ўз маҳсулотингизни сотмаслигингиз мумкин, аммо, шарқона тавозеъ, ширингуфторлик билан ўз ҳурматингизни билдириш, текин, бироқ, бебаҳо бўлган ширин сўзни ўзгаларга раво кўриш ҳам катта санъат эмасми?! Тилингиздан бол томса, ишингиз ҳам баравж бўлғусидир.

**Рустам ЖАББОРОВ**

## ТАЛАБА ВА «КАМОЛОТ»

***Ўзбекистон ёшларининг ташкил этилаётган «Камолот» ижтимоий ҳаракати қандай бўлиши керак, деган савол борасидаги баҳс-мунозараларнинг қизғин кечаётгани кишини қувонтиради. Ёшлар анча дадиллашиб, турли хил фикрлар, таклифларни ўртага ташлаяпти. Ҳатто ўтаётган баҳсларда ёш бўлмаганларнинг ҳам фаол қатнашаётгани яна бир ижобий ҳол.***

**ЖАРАЁН**

Янги ҳаракат ҳаракатсиз бўлиб қолмаслиги учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини пухта ўрганиш албатта керак. Саволлар эса талайгина. Ёшлар ҳаётида бугун қандай омиллар муҳим ўрин тутади? Ёш авлод тарбияси учун ким кўпроқ масъул: ота-онами, жамиятми ёки таълим-тарбия даргоҳлари? Жамиятда ёшлар ибрат олгувчи одамлар борми? Бўлса улар кимлар?

Қизиғи, бу каби жиддий саволлар бугун нафақат бизда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам долзарб бўлиб турибди. Масалан, ҳозир Европада ҳам шу саволлар атрофида турли баҳслар давом этяпти. Уларда ҳам ёшлар ташкилотлари ишини янада ривожлантириш учун турли саъй-ҳаракатлар мавжуд. Шу маънода, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини шакллантиришда хорижий давлатлар ёшлар ташкилотлари тажрибаларидан ҳам айрим жиҳатларни ўрганса бўлади.

**(Давоми 2-бетда)**

**ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ**

**Бухорои шариф... Азизлар қадами теккан, уларнинг муборак хоки мангу уйқуда ётган, азалдан илму маърифат, тижорат, бешиги бўлган юрт бу. У яна бир хислати билан жаҳонни ўзига ром этган. Бу маскан одамлари бетакрор косиблик, зардўзлик, мисгарлик ва заргарлик санъатлари билан етти иқлимни қойил қолдирган.**

**Бу муқаддас шаҳарда яшаётган бугунги авлод ҳам ота-боболаридан мерос қолган ана шу ҳунарларнинг сир-синоатини мукаммал эгаллаб, фарзандларига ўргатиб, уни замонавий услублар билан сайқал топтириб келмоқдалар.**

## "ТАДБИРКОРБАНК" – КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Мазкур ноёб санъатлар Ўзбекистон мустақиллиги туфайли яна қайта жаҳон саҳнига қалқиб чиқди. Бу, энг аввало, Озодлик, қолаверса, унинг дастлабки йиллари бошланган ислоҳотлар мевасидир.**

**Айнан, банк тизимининг ислоҳ қилиниши халқимиздаги жамики ўзига хос хислатларни, жумладан, ҳунармандчилик, заргарлик, кошинкорлик ва бошқа нафис санъат турларининг шаклланишига йўл очиб берди. Хусусан, ўрта ва кичик бизнес соҳаси юзага келди ва ривожланди.**

**(Давоми 2-бетда)**

## МАЙСАЛАР - МЎЛ ҲОСИЛ ДАРАКЧИСИ

***Деҳқончиликда бир ибора бор: "Эккан экинингнинг уруғи яхши бўлмаса, қанча чиранма кутган ҳосилингни ололмайсан".***

Шунинг учун зироатчилик уруғ танлашдан бошланади. Яхши уруғ бўлса, ҳай-ҳай, ёмон уруғ бўлса, деҳқоннинг ҳолига вой. Деҳқоннинг қўлига ишончли уруғни эса уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар етказиб беради.

**ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ**

Республикамизда том маънода ғалла мустақиллигига эришиш учун олиб борилган ишларда энг аввало, уруғчиликка алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ғалла миқдорини кўпайтиришда серҳосил буғдой навларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Зангиота туманидаги "Эркин элита уруғчилик ширкат хўжалиги ҳам бошоқли дон уруғларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Деҳқончилик учун об-ҳаво ноқулай келган ўтган йили ҳам хўжалик аъзолари ғаллачиликда юқори кўрсаткичга эришганликлари кўпчиликка маълум.

Хўжаликда ғаллачилик бўйича иш юритиш оилавий пудрат асосида олиб борилди, уруғлик ғалла экиладиган 190 гектар ер майдони 35 оилага бўлиб берилди.

Хўжаликда кузги буғдой ҳар йили ер ва иқлим шароитидан келиб чиқиб октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида экилади. Бу энг қулай вақт эканлиги тажрибаларда исботланган.

**(Давоми 3-бетда)**

**ҲУҚУҚ**

**Қуйичирчиқ тумани Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, ер участкаларини ажратиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш комиссиясининг "Сут булоғи" фермер хўжалиги хусусида чиқарган хулосаси бунча можарога сабаб бўлади, деб ким ўйлабди? Комиссия мазкур фермер хўжалиги "ажратилган ердан самарасиз фойдаланган", "зиммасига юклатилган вазифаларни уддалай олмаяпти", "давлат бюджетига тўлов бадалларни ўтказмаяпти" дея аниқ факт ва рақамларга зид ҳолда, хўжаликнинг бир йиллик фаолиятини таҳлил қилиб бирёқлама хулоса чиқарганди.**

## АДОЛАТ ТИКЛАНДИ, ЛЕКИН...

**Туман ҳокими комиссия хулосасига асосланиб, "Сут булоғи" фермер хўжалиги фойдаланиб келаётган 20 гектар ер майдонини аввалги эгаси бўлмиш "Пахтачи" жамоа хўжалигига қайтариб олиб бериш ҳақида қарор чиқарди.**

**Шундан сўнг фермер Мейрам Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири номига шикоят аризаси ёзди.**

**(Давоми 3-бетда)**

## ДАРД БОРКИ, ДАВОСИ БОР

***Она учун дилбандининг соғлиги азиз. Аммо, иссиқ жон, кези келса иситмадан олов бўлиб ёнаётган вужудга ёлғиз она меҳри камлик қилиб қолади. Ана шундай дамларда нажоткорларимиз – шифокорлар жонга оро кирадилар.***

**ТИББИЁТ**

Айни жамият миқёсида оналар ва болалар соғлигига асосий эътибор қаратилаётган бир пайтда энг катта масъулият ҳам шу касб эгаларига юкланиши табиий. Бироқ, тан олиш керак, соғлом келажак учун кураш йўлида дуч келаётган муаммолар кўп. Қилинадиган ишлар ҳали бисёр.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология институти қошидаги болалар бўлими мудираси Дилдора Зуфарова билан суҳбатимиз ҳам бевосита юқоридаги масалалар доирасида кечди.

-Бўлимимиз 27 нафар беморга мўлжалланган – дейди Д.Зуфарова. - Ҳар йили эндокриник касалликлар: қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари, жинсий ва жисмоний етишмовчилик, ирсий касалликлар, буйрак усти бези хасталиклари билан оғриган етти ойлик чақалоқдан тортиб 16 ёшгача бўлган республикамизнинг турли минтақасидан юзлаб болалар бу ерда даволанадилар. Шунингдек, бу жараёнда илмий-текшириш ишлари олиб борилади.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** УЧҚЎРҒОНЛИКЛАР НАМУНАСИ | КЕП ҚОЛИНГ, ДИВИДЕНДГА ҒЎЗАПОЯ!.. | СОЗ БИЛАН СУҲБАТНИ ЁЛҒОН ДЕМАНГ

